



СУҒУРТА КОМПАНИЯЛАРИ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР ВА УЛАРНИ БОШҚАРИШ БОСҚИЧЛАРИ

doi doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss3/a65

Носиров Жасур Турсунпулотович -
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
Солиқлар ва суғурта иши кафедраси
катта ўқитувчиси

Аннотация. Ушбу мақолада суғурта компаниялари молиявий барқарорлигига таъсир этувчи омиллар ва уларни бошқариш босқичлари ёртилган. Шунингдек, «молиявий барқарорлик» тушунчасини ўрганган иқтисодчи олимларнинг илмий-назарий қарашлари кенг ёритиб берилган. Бундан ташқари суғурта компаниялари молиявий барқарорлиги турларининг таснифи ва молиявий ҳолатини баҳоловчи мезонлар бўйича кўрсаткичларнинг турқумланиши ёртиб берилган. Қолаверса, мақолада суғурта компаниялари молиявий барқарорлигига таъсир этувчи омиллар ва уларни бошқариш босқичлари бўйича хулоса ва таклифлар берилган.

Калит сўзлар: суғурта компаниялари, молиявий барқарорлик, молиявий барқарорлик турлари, баҳоловчи мезонлари, бошқариш босқичлари.

ФАКТОРЫ, ВЛИЯЮЩИЕ НА ФИНАНСОВУЮ УСТОЙЧИВОСТЬ СТРАХОВЫХ ОРГАНИЗАЦИЙ И ЭТАПЫ ИХ УПРАВЛЕНИЯ

Носиров Жасур Турсунпулотович -
Ташкентский государственный экономический
университет Старший преподаватель
кафедры «Налоги и страхование»

Аннотация. В данной статье рассмотрены факторы, влияющие на финансовую устойчивость страховых компаний и этапы управления ими. Также широко освещаются научно-теоретические взгляды экономистов, изучавших понятие «финансовая устойчивость». Кроме того, выделены классификация видов финансовой устойчивости страховых организаций и классификация показателей по критериям оценки финансового состояния. Кроме того, в статье приводятся выводы и предложения по факторам, влияющим на финансовую устойчивость страховых компаний и этапам их управления.

Ключевые слова: страховые компании, финансовая устойчивость, виды финансовой устойчивости, критерии оценки, этапы управления.

FACTORS AFFECTING FINANCIAL STABILITY OF INSURANCE COMPANIES AND STAGES OF THEIR MANAGEMENT

Nosirov Jasur Tursunpulotovich -
Tashkent State University of Economics
Senior teacher of "Taxes and insurance" department

Abstract. This article covers the factors affecting the financial stability of insurance companies and the stages of their management. Also, the scientific-theoretical views of economists who studied the concept of "financial stability" are widely covered. In addition, the classification of the types of financial stability of insurance companies and the classification of indicators according to the criteria for evaluating the financial condition are highlighted. In addition, the article provides conclusions and suggestions on the factors affecting the financial stability of insurance companies and the stages of their management.

Keywords: insurance companies, financial stability, types of financial stability, evaluator criteria, management stages.

Кириш. Ўзбекистонда молия бозорини ривожлантиришда унинг асосий сегментларидан бири ҳисобланган суғурта бозори фаолиятини тизимли таҳлил қилиш ҳамда суғурта компаниялари молиявий барқарорлигини таъминлашда хорижий илғор тажрибалардан самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Таъкидлаш лозимки, кейинги йилларда мамлакатимизда суғурта бозори фаолиятини комплекс ривожлантириш борасида самарали ишлар амалга ошириб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 августдаги "Ўзбе-

кистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4412-сонли қарорининг қабул қилиниши суғурта компаниялари фаолиятини инновацион ривожлантириш борасида туб ислохотлар амалга оширилишига замин яратди [1].

Таъкидлаш лозимки, кейинги йилларда суғурта компаниялари молиявий барқарорлигини таҳлил қилиш, суғурта компаниялари фаолиятини ривожлантириш борасидаги мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф

этиш юзасидан салмоқли ишлар амалга оширилган бўлса-да, айнан молиявий барқарорликни баҳоловчи аниқ мезонларни ишлаб чиқиш, мазкур кўрсаткичларни суғурта компаниялари фаолиятига кенг татбиқ этиш, халқаро амалиётда суғурта компаниялари рейтингини аниқлашда фойдаланиладиган асосий молиявий коэффицентлардан фойдаланиш борасида бир қанча камчиликлар мавжуд. Шунга мувофиқ, иқтисодиётнинг ривожланишида муҳим аҳамият касб этувчи суғурта компаниялари молиявий бақарорлигини ошириш орқали аҳоли ва юридик шахсларни мазкур бозорнинг фаол иштирокчисига айлантириш борасида илмий ва амалий ишларни амалга ошириш лозим.

«Молиявий барқарорлик» кенг ва кўп қиррали тушунча ҳисобланганлиги боис замонавий иқтисодий адабиётларда унинг иқтисодий моҳияти, тавсифловчи баҳолаш кўрсаткичларини тизимга солиш ва талқин қилиш турлича бўлиб, етарли даражада тўлиқ очиб берилмаган. Суғурта компаниялари фаолиятида молиявий барқарорликни баҳолаш усулларининг чегаралари ва уларнинг бутун тизимидан энг самарали фойдаланиш имкониятлари, шунингдек, атамашунослик, кўрсаткичлар алгоритми ва уларни талқин этиш, мулкчилик ва тармоқ хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг мезонларини тадқиқ этиш долзарб ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, «барқарорлик», «молиявий барқарорлик» ва «суғурта компаниялари молиявий барқарорлиги»нинг моҳиятини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ [2].

Бозор муносабатлари шароитида молиявий барқарорликни таҳлил қилиш ва баҳолаш муаммоси муҳим аҳамият касб этади. Шундай бўлишига қарамасдан, амалга оширилган таҳлил натижаларининг кўрсатишича, компанияларнинг молиявий барқарорлигини тавсифлашга нисбатан ҳозирги пайтда турли ёндашувлар мавжуд бўлиб, уларга кўра молиявий барқарорликни қуйидагича тавсифлаш мумкин [3]:

- молиявий ҳолат;
- сармоя таркиби;
- ички ва ташқи рисклардан ҳимоялаш ва шу кабилар.

Молиявий барқарорликка нисбатан биринчи ёндашувни аниқлашда, энг аввало, «молиявий» ва «барқарорлик» тушунчаларининг маъно-мазмунига эътибор бериш керак. Бу ўринда «молиявий» – «молияга оид, молия жиҳатидан бўлган; пул маблағлари ва уларни тўплаш, тақсимлаш билан боғлиқ бўлган», «барқарорлик» эса «мустаҳкамлик... ҳолати» эканлигига эътибор бериш керак.

Молиявий барқарорликни аниқлашга нисбатан иккинчи ёндашув тўлов қобилияти, ликвидлик, кредит қобилияти, рентабеллик

каби молиявий ҳолат кўрсаткичларидан фойдаланишга асосланади. Бундай ёндашув чоғида, айрим иқтисодчиларнинг фикрига кўра, молиявий барқарорлик таърифи тўлов қобилияти тушунчасига яқин ҳисобланади.

Учинчи, яъни Ғарб иқтисодчилари ёндашуви молиявий барқарорликни, унинг акси молиявий беқарорлик орқали аниқлаш ҳисобланади. Марказий банклар ва бошқа корхоналар учун молиявий беқарорлик тушунчаси амалдаги иқтисодий фаолиятга салбий таъсир этадиган ташқи таъсирлар ва бозор муваффақиятсизликлари тушунчаларини ўз ичига олади. Шундай қилиб, молиявий беқарорлик учта мезон орқали аниқланади [4]:

(1) муҳим молиявий активлар қиймати;

(2) қимматли қоғозлар бозоридаги салбий ҳолатлар ҳамда мамлакат ичида кредитдан фойдаланиш, шунингдек, халқаро даражадаги имкониятлар;

(3) умумий харажатларнинг амалдаги қийматидан жиддий фарқ қилиши.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи. Худди шундай ғоя иқтисодчи Ж. Чант томонидан ҳам илгари сурилади, яъни унинг фикрича, молиявий беқарорлик молиявий бозорлардаги иқтисодий фаолиятга зарар етказадиган ёки таҳдид соладиган вазият бўлиб, молиявий барқарорлик эса бунинг аксидир. Молиявий барқарорликни аниқлашга нисбатан тўртинчи ёндашув хатарларни баҳолаш ва бошқариш ҳисобланади. Ғарб иқтисодчи олими ва амалиётчиси Ж.Г.Шиназининг фикрича, молиявий тизим, агар иқтисодий ресурслар, молиявий хатарлар, уларни баҳолаш ва бошқаришни самарали тақсимлаш амалга оширилсагина, барқарор ҳисобланади. Ушбу таъриф орқали муаллиф молиявий барқарорликка эришишнинг муҳим жиҳати ҳисобланган, яъни айнан рискларни баҳолаш ва уларни бошқаришга эътибор қаратади [5].

Таъкидлаш лозимки, «молиявий барқарорлик» тушунчаси «тўлов қобилияти» тушунчасига қараганда кенгроқ тушунча бўлиб, тўлов қобилияти кўрсаткичлари молиявий барқарорлик кўрсаткичларига қараганда вақтга кўра тезроқ ўзгаришини ҳам қайд этиб ўтиш лозим.

Иқтисодчи олим А.В.Грачев «молиявий барқарорлик»ни ўзининг молиявий мажбуриятларини белгиланган муддатга бажариш учун ресурсларни жамғариш нуқтаи назаридан кўриб чиққан ҳолда уни тўлов қобилияти билан боғлайди. Бироқ «молиявий барқарорлик»нинг иқтисодий моҳиятини бундай талқин этиш, бизнингча, ресурсларни жамғариш билан фойдани қайта инвестиция қилиш ўртасида танлаш муаммосини келтириб чиқаради. Жумладан, жамғариш сармоянинг йўқотилишига айланади. Молиявий барқарорлик ва уни тезкор бошқа-

риш механизмини таҳлил қилишда унинг ана шундай талқин этилишига йўл қўйиш мумкин. Лекин молиявий барқарорликни стратегик бошқариш масалаларини ҳал этишда унинг моҳиятини тушунишга нисбатан бундай ёндашув пул маблағларининг нотўғри тақсимланишига ва уларни муқобил инвестициялаш имкониятини кўриб чиқмаган ҳолда пул маблағларини жамғаришга кўмаклашади [6].

Умуман, молия тизими барқарорлигини таъминлаш нуқтаи назаридан Ғарб иқтисодчиси М.Фут қуйидаги фикрни беради, яъни молиявий барқарорлик [7]: а) пул маблағлари барқарорлиги; б) аҳолининг иқтисодиётда банд бўлганлик даражаси; в) бозор агентларининг молиявий муассаса ва бозорларга бўлган ишончи; г) молиявий активларга нисбатан нархлар тебранишининг мавжуд эмаслиги билан аниқланади. Шунингдек, «молиявий барқарорлик» молиявий тизим таркибини ташкил этувчи муҳим элементларнинг бир маромда ишлашини билдиради.

Юқорида олимлар томонидан билдирилган фикрларга қўшилган ҳолда, мамлакатимиз иқтисодчи олимлари томонидан “молиявий барқарорлик” тушунчасига доир айрим ёндашувларини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз.

Н.Хасанов ва С.Нажбиддиновнинг фикрича, молиявий барқарорликни активлардаги ўзининг ва қарз маблағлари нисбати, ўз маблағларини тўплаш суръатлари, корхона узоқ муддатли ва қисқа муддатли мажбуриятларининг нисбати, моддий оборот маблағларининг ўз маблағлари билан қанчалик таъминланганлигини баҳолашга асосланади[8]. А.Ваҳобов, Н.Ишонқулов ва А.Иброҳимовнинг фикрига кўра, молиявий ресурсларнинг самарали шаклланиши, тақсимланиши ва улардан фойдаланиши молиявий барқарорлик моҳиятини ифодалайди[9]. Мамлакатимизда корхоналар молиявий барқарорлигини таъминлашнинг илмий ва амалий муаммоларига доир илмий тадқиқотлар олиб борган олим А.У.Бурхановнинг фикрига кўра, молиявий барқарорлик фойда олиш ва қарзларни тўлаш, корхона ўз фаолиятини молиялаш имконияти ва ресурслар айланиш тезлигининг бир маромда ривожланиб боришига асосланган корхоналар фаолиятининг комплекс кўрсаткичидир [10].

Айтиб ўтишимиз керакки, юқорида аксарият олимлар томонидан билдирилган фикрлар иқтисодиётнинг реал сектор корхоналари “молиявий барқарорлик” тушунчасига хос ҳисобланади. Бироқ Ғарб иқтисодчи олимлари томонидан келтирилган таърифлар молия сектори компаниялари фаолиятига мос бўлиб, бевосита суғурта компаниялари молиявий барқарорлиги

моҳиятини очиб беришда алоҳида аҳамиятга эга. Қуйида эса айнан суғурта компаниялари молиявий барқарорлигига доир олимлар томонидан билдирилган фикрларни ёритиб ўтаемиз.

Жумладан, Канаданинг Карлтон университети профессорлари Ч.Фридман ва К.Гудлетнинг фикрича, компанияларнинг молиявий барқарорлик кўрсаткичларини аниқлаш ўзига хос мураккаб жараён бўлиб, аниқ бир кўрсаткичларнинг ўзи молиявий барқарорлик ҳолати бўйича тўлиқ тасаввурни шакллантириш имконини бермайди. Шунинг учун иқтисодий тизимнинг ривожланиши билан бир қаторда замонавий молиявий барқарорлик кўрсаткичлари таҳлили ҳам мос равишда такомиллашиб боради. Молиявий барқарорликни баҳолашнинг аниқ механизми мавжуд эмас, чунки ушбу кўрсаткичларнинг ўзгаришига аксарият ҳолатларда давлатнинг пул-кредит сиёсати бевосита таъсир кўрсатади. Айниқса, сўнгги йилларда юз бераётган жаҳон иқтисодий-молиявий инқирозларининг кузатилаётганлиги ана шу кўрсаткичларни ҳар томонлама тадқиқ этиб боришни тақозо этмоқда [11].

Тадқиқот методологияси. Мақолада илмий мушоҳада, тизимли ёндашув ва индукция ва дедукция каби тадқиқот усулларидан фойдаланилди. Жаҳондаги мавжуд усул ва ёндашувлар таҳлилларига асосланиб, Ўзбекистонда суғурталаш тизимини такомиллаштириш бўйича таклиф ишлаб чиқилди.

Таҳлил ва натижалар. Суғурта компаниялари молиявий барқарорлигининг иқтисодий аҳамиятини тушунтиришда, компаниянинг ривожланиш даврининг алоҳида босқичларига эътибор қаратиш лозим. Чунки компаниялар иқтисодий ривожланиш даврининг ҳар бир босқичида молиявий барқарорликнинг “даражаси”га бўлган талаб алоҳида белгиланади. Фикримизча, суғурта компаниялари молиявий барқарорлик турларини алоҳида хусусиятлари бўйича таснифлаш мақсадга мувофиқ (1-жадвал) [12].

Биз томондан таклиф этилаётган таснифий хусусиятлар суғурта компанияларига хос бўлса-да, бироқ уларнинг бошқа муҳим жиҳатлари ҳам мавжуд. Мазкур жиҳатлар эса компанияларнинг суғурта захиралари ҳажми ва молиявий ресурсларнинг миқдорига боғлиқ ҳолатда ўзгариб бориши назарда тутилмоқда. Иқтисодиётнинг ривожланиши даврий тавсифга эга эканлиги нуқтаи назаридан молиявий барқарорликка таъриф берадиган бўлсак, молиявий барқарорлик иқтисодий давр ёки ривожланиш босқичи ўзгарганда, компаниянинг юқоридаги муддатлар давомида ўзининг молиявий ресурслар миқдори ва ҳажми ҳамда тўлов қобилятини сақлаб қолиши тушунилади.

Суғурта компаниялари молиявий барқарорлиги турларининг таснифи

№	Молиявий барқарорликни таснифлаш белгилари	Суғурта компаниялари молиявий барқарорлигининг турлари
1.	Молиявий барқарорлик даражаси бўйича	Абсолют
		Меъёрий (нормал)
		Нобарқарор (инқироздан олдинги ҳолат)
		Инқирозли вазият
2.	Таҳлил қилинадиган вақт оралиғи бўйича	Қисқа муддатли
		Ўрта муддатли
		Узоқ муддатли
3.	Молиявий барқарорликни баҳоловчи субъект бўйича	Ички (компания ишчи ходимлари, таъсисчилари ва ички аудит)
		Ташқи (компания контрагентлари, молия-кредит ташкилотлари, молиявий воситачилар, давлат органлари, рейтинг агентликлари, ташқи аудит, бошқа жисмоний ва юридик шахслар ва ҳоказо)
4.	Компаниянинг ривожланиш босқичи бўйича	Суғурта бозорига кираётган босқичдаги молиявий барқарорлик
		Ўсиш босқичидаги молиявий барқарорлик
		Ривожланиш босқичидаги молиявий барқарорлик
5.	Иқтисодий ривожланиш даврининг босқичлари бўйича	Пасайиш давридаги молиявий барқарорлик
		Энг юқори ривожланиш шароитидаги молиявий барқарорлик
		Пасайиш шароитидаги молиявий барқарорлик
		Инқироз шароитидаги молиявий барқарорлик
		Инқироздан кейинги шароитдаги молиявий барқарорлик

Манба: муаллиф ишланмаси.

Суғурта ташкилотининг молиявий барқарорлиги муаммосини тадқиқ этишга бағишланган адабиётлар таҳлили шуни аниқлашга имкон берадики, молиявий барқарорликнинг моҳиятини аниқлашда бошланғич нуқта бўлиб,

тўлов қобилияти – «суғурта компаниясининг қонун ёки шартнома билан асосланадиган пул мажбуриятларини ўз вақтида бажариш қобилияти» ҳисобланади [13].

Молиявий ҳолатни баҳоловчи мезонлар бўйича кўрсаткичларнинг туркумланиши

Кўрсаткичлар	Мезонга асосан тоифаларнинг чегаралари					
	I класс (балл)	II класс (балл)	III класс (балл)	IV класс (балл)	V класс (балл)	VI класс (балл)
Мутлоқ ликвидлик коэффициенти	0,25 ва ундан катта (20)	0,2 (16)	0,15 (12)	0,1 (8)	0,05 (4)	0,05 дан кичик (0)
Тезкор ликвидлик коэффициенти	1,0 ва ундан катта (18)	0,9 (15)	0,8 (12)	0,7 (9)	0,6 (6)	0,5 дан кичик (0)
Жорий ликвидлик коэффициенти	2,0 ва ундан катта (16,5)	1,9-1,7 (15-12)	1,6-1,4 (10,5-7,5)	1,3-1,1 (6-3)	1,0 (1,5)	0,5 дан кичик (0)
Мустақиллик коэффициенти	0,6 ва ундан катта (17)	0,59-0,54 (15-12)	0,53-0,43 (11,4-7,4)	0,42-0,41 (6,6-1,8)	0,4 (1)	0,4 дан кичик (0)
Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти	0,5 ва ундан катта (15)	0,4 (12)	0,3 (9)	0,2 (6)	0,1 (3)	0,1 дан кичик (0)
Ўз айланма маблағлари таркибида захиралар билан таъминланганлик коэффициенти	1,0 ва ундан катта (15)	0,9 (12)	0,8 (9)	0,79 (6)	0,6 (3)	0,5 дан кичик (0)
Чегараларнинг минимал миқдори	100	85-64	63,9-56,9	41,6-28,3	18	

Манба: муаллиф ишланмаси.

IV тоифа – молиявий соғломлаштириш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлардан кейин ҳам банкротлик rischi юқори даражада сақланиб қолган компаниялар. Кредиторлар маблағлари ва фоизлар бўйича тўловларни ололмаслик rischi мавжуд бўлади.

V тоифа – компаниянинг банкротлик эҳтимоллиги риск даражасига тўғри пропорционал бўлиб, жуда юқори ҳисобланади.

VI тоифа – банкрот (иқтисодий ночор) компаниялар [14].

Юқорида биз томондан суғурта компаниялари молиявий барқарорлигига таъсир этувчи ташқи ва ички омиллар ҳамда молиявий барқарорликни бошқаришнинг умумий тузилишига доир тадқиқотлар олиб борилди. Тадқиқотимизнинг кейинги босқичида суғурта компаниялари молиявий барқарорлик кўрсаткичларини баҳолашнинг миқдорий кўрсаткичлари ҳамда улар бўйича белгиланган мезонлар хусусида маълумотларни келтириб ўтаемиз.

Суғурта компаниялари молиявий ҳолатини таҳлил қилиш суғурта қилувчининг молиявий барқарорлиги ва тўловга қобиллигини ифодаловчи кўрсаткичлар мажмуини аниқлаб олишни назарда тутди. Халқаро амалиёт таҳлили натижаларидан келиб чиққан ҳолда дастлаб суғурта компаниялари молиявий барқарорлигини экспресс (тезкор) таҳлил қилиш жараёнида фойдаланиладиган баҳоловчи кўрсаткичларнинг таркибини аниқлаб олиш лозим. Бунда қуйидагиларга асосланган ҳолда кўрсаткичларни танлашнинг асосий мезонларини белгилаб оламиз [15]:

1. Кўрсаткичлар молиявий барқарорлик бўйича керакли хулосани шакллантириш учун етарлича ахборот манбалари ва маълумотлар билан таъминланиши лозим. Бунда асосий эътибор фақатгина биргина кўрсаткичга қаратилиши эмас, балки ушбу молиявий кўрсаткичнинг шакллантиришда фойдаланиладиган қуйи кўрсаткичлар тизимини ўз ичига қамраб олиши лозим.

2. Кўрсаткичлар бир хил тартибда, бир хил йўналтирилган бўлиши ва бир-бирини такрорламаслиги керак.

3. Статистик маълумотларнинг мавжудлиги ва кўрсаткичларни ҳисоблаш учун алоҳида тартибдаги алгоритмни ҳисобга олиш керак.

4. Молиявий ҳисоботнинг миллий ва халқаро стандартларидаги фарқли мезонларни алоҳида ажратиб олиш керак.

5. Пировард молиявий натижани аниқлашда солиқ ҳисоботи билан боғлиқ айрим моддаларни гуруҳлаштириб олиш лозим.

Хулоса ва таклифлар. Суғурта компаниясининг молиявий барқарорлигини баҳолаш жараёнида суғурта захиралари миқдорининг етарлилик кўрсаткичидан ташқари ушбу захираларни узоқ муддатли истиқболда мажбуриятларни бажариш учун етарли бўлиш эҳтимоли кўрсаткичи билан тавсифланиши лозим. Суғурта компаниялари молиявий барқарорлигига таъсир этувчи омиллар ва уларни бошқариш бўйича қуйидаги таклифларни ишлаб чиқдик:

➤ устав капиталида давлат улуши бўлган суғурта компанияларида давлатнинг 25 фоизгача улушини босқичли режа асосида сотиш орқали қўшимча капитал ҳажмини ошириш таклифи асосланган;

➤ даромадлар 20 фоизгача миқдордаги ажратмалар ҳисобига, уларни чегириладиган харажатларга киритган ҳолда суғурта захира жамғармасини мустақкамлаш таклифи асосланган;

➤ огоҳлантириш чора-тадбирлар захираси (ОЧЗ)ни шакллантириш бўйича фоиз ставкаларини бекор қилиш асосида 25 фоизгача қўшимча молиявий ресурслар жалб қилиш орқали компания молиявий барқарорлигини таъминлашга эришиш таклифи асосланган;

➤ суғурта компаниялари молиявий барқарорлигини баҳолашда интеграллашган кўрсаткичлар шкаласига суғурта захиралари ва номоддий активлар кўрсаткичларини киритишнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 августдаги ПҚ-4412-сонли “Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.

2. Nazarova S.A., Mirzarahimov B.H., Narmanov U.A., Ortikov O.H., & Uktamov K.F. The Role Of Uzbek Tourism Culture And Its Historical And Cultural Transformation Processes In Economic Development. *Int. J. Of Aquatic Science*, 2021, 12 (3), 2776-2785.

3. Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж.И.Е.-М. – Т.: «ЎЗМЭ» давлат илмий нашриёти, 2006. 611-б.

4. Yadgarov A.A., Khotamov I., Uktamov K.F., Mahmudov M.F., Yuldashev G.T. & Dushamboevich N.R. Prospects for the Development of Agricultural Insurance System. *Alinteri Journal of Agriculture Sciences*, 2021, 36 (1).

5. Dwijendra N.K.A., Jalil A.T., Abed A.M., Bashar B.S., Al-Nussairi A.K.J., Hammid A.T., ... & Uktamov K.F. Improving the transition capability of the low-voltage wind turbine in the sub-synchronous state using a fuzzy controller. *Clean Energy*, 2022, 6 (4), 682-692.

6. Chant, John. «Financial Stability As a Policy Goal», in *Essays on Financial Stability*, by John Chant, Alexandra Lai, Mark Illing, and Fred Daniel, Bank of Canada Technical Report No. 95 (Ottawa: Bank of Canada), September, 2023. Pp. 3-4.

7. Patra I, Ansari M.J., Emad Izzat S., Uktamov K.F., Abid M.K., Mahdi A.B., ... & Sharma H. Synthesis of efficient cobalt-metal organic framework as reusable nanocatalyst in the synthesis of new 1, 4-dihydropyridine derivatives with antioxidant activity. *Frontiers in Chemistry*, 2022, 943.

8. Грачев А.В. Анализ и управление финансовой устойчивостью предприятия. От бух. учета к экономическому. Учеб. практ. пособие. – М.: Финпресс, 2002. 208-б.

9. Foot, Michael. «What Is 'Financial Stability' and How Do We Get It?» *The Roy Bridge Memorial Lecture (United Kingdom: Financial Services Authority)*, April 3, 2003.

10. Уктамов Х. Способы обеспечения экономической безопасности промышленных предприятий. *Общество и инновации*, 1(1/S), 2020, 405-412.

11. Хасанов Н., Нажбиддинов С. Корхона молиявий ҳолатини баҳолаш. – Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1999. 8-б.

12. Вахобов А.В., Ишонқулов Н.Ф., Иброхимов А.Т. Молиявий ва бошқарув таҳлили. Дарслик. – Т.: Иқтисод-молия, 2013 й. 327-б.

13. Tukhtabaev J., Razakova B. & Uktamov H. The role of the digital economy in ensuring the economic security of the country. *Scienceproblems. uz*, 2020, 1 (1), 7-7.

14. Baratova D., Khasanov K., Musakhonzoda I., Abdumuratov S. & Uktamov K. The impact of the coronavirus pandemic on the insurance market of Uzbekistan and ways to develop funded life insurance. In *E3S Web of Conferences (Vol. 296, p. 06028)*. EDP Sciences. 2021.

15. Baratova D.A., Khasanov K.N., Musakhonzoda I.S.O., Tukhtarova M.Y.Q. & Uktamov K.F. Econometric Assessment of Factors Affecting the Development of Life Insurance in Uzbekistan. *REVISTA GEINTEC-GESTAO INOVACAO E TECNOLOGIAS*, 2021, 11 (2), 1123-1138.



СУҒУРТА ТАШКИЛОТИНИНГ ИНВЕСТИЦИЯ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШНИНГ СИФАТ КЎРСАТКИЧЛАРИ

Кенжаев Илҳом Ғиёзович -

Тошкент молия институти Суғурта ва
пенсия иши кафедраси доценти, PhD

doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss3/a66

Аннотация. Ушбу мақолада суғурта ташкилоти инвестиция фаолиятининг сифат ва самарадорлик кўрсаткичлари таҳлили келтирилган ҳамда бу йўналишдаги фаолият самарадорлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: суғурталовчи, суғурталанувчи, суғурта мукофоти, суғурта пули, суғурта жавобгарлиги, суғурталовчининг инвестиция фаолияти.

ПОКАЗАТЕЛИ КАЧЕСТВА ОЦЕНКИ ЭФФЕКТИВНОСТИ ИНВЕСТИЦИОННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ СТРАХОВОЙ ОРГАНИЗАЦИИ

Кенжаев Илҳом Ғиязович -

PhD, доцент кафедры «Страхование и пенсионное дело»
Ташкентского финансового института

Аннотация. В данной статье представлен анализ показателей качества и эффективности инвестиционной деятельности страховой организации, а также разработаны предложения и рекомендации по повышению эффективности деятельности в этом направлении.

Ключевые слова: страховщик, страхователь, страховая премия, страховая сумма, страховая ответственность, инвестиционная деятельность страховщика.

QUALITY INDICATORS FOR EVALUATING THE EFFECTIVENESS OF THE INVESTMENT ACTIVITY OF AN INSURANCE ORGANIZATION

Kenjaev Ilhom Giyozovich -

PhD, Associate Professor of the Department "Insurance
and pension" of the Tashkent Financial Institute

Abstract. In this article it is presented an analysis of the indicators of quality and efficiency of the investment activity of an insurance organization, and are developed proposals and recommendations for improving the efficiency of activities in this direction.

Key words: insurer, policyholder, insurance premium, sum insured, insurance liability, investment activity of the insurer.